

сыяғы келискен, сулыў келбетлилиги, оның жүйриклиги байқалады.

Гейпара қахарманлық дәстанларда мәстан кемпир образы берилип, оның ис-хәрекетлери ертеклик гипербола менен курылады. «Ер Шора» дәстанында бундай мәстан кемпир усаған қахарман көринбейди. Бирақ бунда басқа қахарманлық дәстанлардағы мәстанның кәраматлы яки дуўаханлық хәрекетлери Көзмәмбет образында жүдә шебер берилген. Көзмәмбет батыр, палўан болыў менен бирге кәраматлы яғный ол хәр қандай нәрсеге таңланып көзин өткізе алатуғын болады. Мине Көзмәмбеттиң усындай кәраматлылығы дәстанда қызықлы ертеклик фантазия менен гиперболалық усылда курылған. Көзмәмбет Полатханға көзиниң өткирлигин айтып былай дейди: «Дәрьяның бойына бардым. Бәрәкәлла дәрья болғанына, саған жети булақтан шыққан, аяғың жети қат жердиң астына бәнт болған бундай дәрья боларма», деп қарап едим, өри турып қалды, ығы ағып кетти. Ортасы шаңғытып жол болып қалды. Мине буннан ләшкерди аман өткерип едим. Оннан кейін бир үлкен таўға бардык. Ләшкерлердиң өтер гүзары болмады. Атаң мени таўып алып, бул таўдан да жол таўып өткер деп хәмир қылды. Таўдың жанына барып «бәрәкәлла таў болғанына, тамырың жети қат жердиң астына кеткен, төбең жети қат аспандағы булғқа жеткен бундай да таў болар ма екен-ә?!» деп бир қарап едим, қараған жерим қак айырылып, арасы ашылып үлкен жол болды. Бул таўдан да ләшкерди саламат өткерген едим-деп жуўап береді.

Дәстанда гипербола қанша дәрежеде фантастикалық сыпатқа ийе болғаны менен халық турмысындағы реал көринислерге байланыслы бериледи. Соның ушын да хәр қандай оқыўшы ямаса тыңлаўшы дәстандағы гиперболалық усылдағы фантастикалық сүүретлеўлерди ҳақыйқатлықтан бөлип қарамайды. Бундай көркемликлердиң барлығы ҳақыйқатлықтың этирапына жәмленген хәм оқыўшыда қызықлы түйинди пайда етип оған күшли тәсир етип отырады.

Дәстанда көзге түсетуғын көркемлеў қураллары эпигетлер болып табылады. Эпигетлер, тийкарынан, қандай да қубылысты сулыў, әжайып, қудиретли хәм әхмийетли етип көрсетиў ушын қолланылған. Ер Шораның образын күшейтиў ушын «төре», «батыр», «ер», «сунқар», «нар»,

«жолбарыс», «тазы», «шамшырақ», «ақ ордам», «шойыннан екен билеги», «алмастан екен тырнағы» т.б. қолланылып отырылады. Дәстанда қахарманлардың хәр қандай қубылыслардың сыртқы көринисин тәсирли етип хәм оны сулыў түске ендирип көрсетиўге мынадай эпигетлерди ушыратамыз. «Алтыннан жыға», «алтын ери», «уңғысы пирен ақ найза», «манаттан алып белликти», «хасылдан болған ақ саўыт», «сары жай», «алмастан қылыш», «Ақсарай», «Ақ орда», «Ақ отаў», «алды бәлент таў еди» хәм т.б.

Мине усындай сүүретлеў қураллары менен дәстанда және метафора, метонимия қусаған түрлери де көптеп ушырасады. Булар тийкарынан қахарманлардың диалогларында ушырасып олардың сөзлерин астарлы түсіндиреди. Мысалы: «Қәлпе едим сунқарымды қашырдым», ямаса:

Бүркеле питкен байтерек,
Жапырақлары төгилип,
Сояўы шығып саясыз,
Қалды ма екен деп едим,
Жасарған жас жапырағым,
Гүжимим аман барма едің?. [2:124]

Дәстанда қахарманлардың пикири астарлы мәниде айтылыў менен және ауыспалы түрде билдириледі. Мысалы, Қаршыға қалмақ Шораны ізлеп келип турғанында Нәрикбайға өзиниң мақсетин ауыспалы (метонимия) түрде былай түсіндиреди:

Шақырады сизлерди,
Султан Санжар Мазыхан,
Қатардағы қара нар,
Шақырады сизлерди,
Узақ жолға жекпеге,
Туғырдағы сунқарды,
Шақырады патшамыз.
Енди аўға шықпаға. [2:24]

Бул поэтикалық қатарларда жыраўдың пикири бойынша Султан Санжар Мазыханның қара нарға уқас үлкен күштиң ийеси екенлигин, ал Ер Шораның туғырдағы сунқар, деп оның шаққандығы, шыдамлылығы сүүретленгенлигин көреміз.

Улыўма, дәстанда сүүретлеў қураллары шебер композицияда қолланылып, дәстанның формасында хәм мазмунында әхмийетли орын тутады. Соның менен бирге, қахарман образларын жасаўда, образлардың ашылыўында көркемлик хызмет атқарады.

Әдебиятлар

1. Максетов Қ. Қарақалпақ қахарманлық дәстанларының поэтикасы. -Ташкент: «Фан», 1965.
2. Ер Шора. Халық дәстаны. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1995.

Мақолада халқ дастанларида қўлланиладиган тропларнинг мазмун ва шаклдаги бадий аҳамияти таҳлил қилинади.

В статье анализируются тропы использованные в народных эпосах и их художественное значение в форме и содержания.

The article deals with tropes used in folk eposes and their artistic meaning in the form and content.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

МАХТУМҚУЛИ ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ

Ф.Сапаева- ўқитувчи

М.Эркинова, Д.Жуманиязова, М.Йўлдошева – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши 2-курс талабалари

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Махтумқули, шеър, бадий таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, аслият, сўз бойлиги, таржимон маҳорати.

Ключевые слова: Махтумқули, стихотворение, перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.

Key words: Makhtumkuli, poem, translation, the Turkmen language, the Uzbek language, content, meaning, translator.

“Турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас кисмига айланиб кетган азалий тушунчалар минтақамизда яшаб ўтган улўғ алломалар, мутафаккир зотларнинг қолдирган бебаҳо меросида ҳам ўзининг ёркин ифодасини топган. Мисол учун, Алишер Навоий, Рудакий, Абай, Ажиниёз, Махтумқули ёки Тўқтагул каби улўғ зотларнинг, барчаси ўз ижоди билан нафақат икки дарё ораллиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этгани бежиз эмас, албатта”, – деганларида, хурматли президентимиз Ислоҳ Каримов [1] – ҳақдирлар.

Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепаён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда.

Шундай экан, бир сўз билан айтганда, Махтумқули ҳам ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган: Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиб, умрининг муайян

қисми Хоразмда ўтгани, халқ ичида машҳурлигидан у ҳақда қўлаб ривоятлар тўқилгани, шеърлари тилдан тилга ўтиб келгани, бахши, халфа ва ҳофизлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олгани, асарлари, қўлғамалари қўлаб қўчирилгани бунинг яққол далилидирки, шунинг учун ҳам машҳур ҳофиз К.Отаниёзов: «Хоразмни шоирнинг иккинчи юрти» деб бемалол айтиш мумкин», – деб лутф этган эди. Аслида бу таъриф миқёсини кенгайтириб: «Ўзбекистон – Махтумқулининг иккинчи ватани» дейиш тўғрироқ. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат “Ўзбек хонадонларининг ҳеч бирининг тўйи Махтумқули қўшиқларисиз ўтмайди” деб ёзганида катта ҳақиқат бор [2]. Махтумқули шеърлари ўзининг халқчил руҳи туфайли асрлар давомида халқ бахшилари, халфалари ва ҳофизлари томонидан қўйлиниб шоирларга илҳом бериб, адабий давралар ва шеърят кечалари, гап-гаштакларда ўқилиб келган. “Махтумқули шеърляти ўзбек маданиятининг қонуний бир бўлаги, эҳтиёж қисмига аллақачонлар айланиб улғурган. Бу шеърят ҳар бир ўзбек учун бир таълим Академияси”[3].

Академик Самойловичнинг ёзишича: “Махтумкули даврида туркманларга ва Махтумкулининг ўзига Хоразм ва Бухоро ҳам маданий таъсир кўрсатди” [4]. Унинг сўфиёна шеърлари Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқиргоний, Носируддин Рабғузйлар асарларидан илҳомланиб яратилган. “Махтумкулининг ғоявий суянч, руҳий таянч жойларидан бири Аҳмад Яссавий ижодиёти ҳисобланади, – деб ёзади Иброҳим Ҳаққулов. – Уни Яссавийдан ажратиш улкан чинорнинг ўқ илдизини заминидан сўғуриб ташлаш билан теппа-тенгдир. Махтумкули Яссавий ҳикматларидан кўп ғоявий озик олган, хусусан, Яссавий тўртликларидан қўлланилган ва доимий қайтарилган поэтик образлардан ижодий фойдаланган” [5].

Шоир шеърлари ҳали ўзбек тилига ўгирилмасдан анча илгари мухлислар қалбига сингиб, маънавий мулкига айланган эди. Салкам икки ярим асрдан бери халқимиз, ижод аҳли Махтумкулини билади, шеърларини қўлма-қўл ўқийди, хонандалар куйга солиб ижро этади, шоирлар илҳом олади. Бу ўлмас мероснинг Ўзбекистонда шуҳрат қозонишида, оммалашшида халқ шоирлари, бахшилар ва халфалар, хонандалар билан созандаларнинг ўрни бекиёсдир. XX аср бошларидаёқ Ислом шоир Назар ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли ва бошқа ижодкорлар Махтумкули шеърларининг чинакам тарғиботчилари сифатида танилдилар. Улар Махтумкули шеърларини бахшичилик йўлига солиб ижро этишдан ёки бирор дostonни куйлашдан олдин Махтумкули шеърларидан муқаддима ўрнида фойдаланган.

Ислом шоирнинг Махтумкули шеърларини ўзбекчалаштириб айтганига қараганда, у туркман тилини яхши билган. Махтумкулидан куйланган, шундай шеърлар борки, улар шоирнинг ўзбек тилидаги бугунги таржималаридан қолишмайди. “Кўринг” радифли шеърнинг Ислом шоир варианты шундай таассурот қолдиради. “О.Собиров берган маълумотга қараганда, Ислом шоир Махтумкулининг ўн бир банддан иборат “Кўринг” шеърининг фақат олти бандини танлаб ёд айтган. Бироқ шоир ўзбекчалаштирган бандларда ҳам ўзгаришлар бор. Мисраларнинг ўрни алмашган, айрим ҳолларда Махтумкули қўллаган сўз ва иборалар куй ва оҳангга мослаштирилган. Бу ўзгаришлар шеърларнинг ғоявий-бадий савиясига салбий таъсир кўрсатмаган. Масалан, Махтумкули шеърдаги “Бирев билен ашина болай дийсеңиз” каторининг “Бир мард билан ошно бўлай десангиз” ёки “Мағтымгулы насазлара душ болуп” деган мисранинг “Энди бўлиб номардларга сен дучор” деб ўзгартирилиб ижро этилгани ҳеч қандай норозилик уйғотмайди.

Ислом шоир вариантыда мана бундай тўртлик бор:

*Мард киши то ўлгунча дўст бўлар,
Номард бир кун дўст бўб, эрта гаш бўлар,
Эли юртга билгин номинг наст бўлар,
Борар ерга кесак отгучи бўлма.*

Адабиётлар

1. Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.
2. Қураббоев К. Махтумкули – илҳом чашмаси. –Т.: 2011.
3. Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат. –Т.:1989.
4. Абдуллаев Ҳ. Махтумкули ва ўзбек адабий муҳити. –Т.: 1983.
5. Қураббоев К. Махтумкули шеърят – Ўзбекистонда. –Т.: 1984.

Мақолада Махтумкули шеърятининг ўзбек халқи маданиятига ижобий таъсири ҳақида сўз юритилади. Махтумкули шеърлари ўзбек бахши ва ҳофизлари, бастакорлари, шоир ва олимлари, таржимонлари томонидан халқ ичида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиниши борасида, улар амалга оширган ишлар ҳақида мухтасар маълумот берилади.

В статье рассматривается значение и роль поэзии Махтумкули в культуре узбекского народа. Автор статьи делает обзор проделанной работы по пропаганде творчества Махтумкули узбекскими бахши, певцами, композиторами, поэтами, учёными и переводчиками.

The article deals with the role and significance of the poetry of Makhtumkuli in the culture of the Uzbek people. The author of the article gives a review of the work on the propaganda of the creation of Makhtumkuli done by bakhshi (bards), singers, composers, poets, scholars and interpreters.

Банд Махтумкулининг “Бўлма” ёки “Бўлмас” радифли шеърларининг ҳеч бирида йўқ. Ислом шоир бу бандни ўзи ижод этиб Махтумкули шеърига қўшган. Тўғри, банд бадий жихатдан “Бўлма” шеърига нисбатан анча заиф. Мисралар, умуман, ғояга уйғунлашса-да, қаторларнинг ифода усули ялонғоч, оддий гапга ўхшаб қолган. Вазнда, бўғинларда номувофиклик бор. Ислом шоирнинг Махтумкулига ихлоси, садоқати жузъий нуқсонлар билан ўлчанмайди, албатта, балки улуг туркман шоири меросини тарғиб қилишдаги фидойилиги ва фаоллиги билан белгиланади” [4:100].

Махтумкули шеърлари асрлар давомида ўзбек шоирларига ҳам таъсир кўрсатиб, улар учун ўзига хос илҳом булоғи, маҳорат мактаби бўлиб келди. Чунончи, “Мунис, Огаҳий, Комил ва бошқа шоирларнинг Махтумкули чашмасидан бебаҳра қолиши мумкин эмас эди” [2:38]. “Ислом шоирнинг дostonчиликдаги талантининг шаклланишида Махтумкули шеърлари муҳим аҳамият касб этган” [4:27]. Ёки “Эргаш Жуманбулбулнинг қатор термалари билан Махтумкулининг “Сухбат яхшидур”, “Бўлма”, “Керак”, “Эл яхши”, “Зар бўлмас” каби дидактик мазмундаги шеърлари ўртасида ҳам кўпгина муштаракликларни кўрамай. Айниқса, Махтумкулининг “Кунларим” термаси ўртасидаги ғоявий-мавзувий яқинлик, мазмун оҳангдошлиги, услубий ўхшашлик ўзбек халқ дostonчисининг Махтумкули шеърятига ижобий маънода тақлид қилганлиги, унинг ижодидан илҳом олганлигига яхши мисол бўла олади” [5:47].

Махтумкулига бағишлаб Шайхзода, Миртемир каби ўнлаб шоирлар қатор шеърлар ёзишган, хоразмлик драматург Курбонбой Матризаев “Махтумкули” мусиқали драмасини яратган. Драмада Махтумкулининг бевосита Хивадаги ҳаёти ва ижоди ўз аксини топган.

Маълум бўладики, ўзбек бахши ва халфалари, ҳофиз ва бастакорлари, шоир ва олимлари, таржимон ва шоирлари Ўзбекистонда Махтумкули ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш ва ўқувчиларга етказиш, панду ҳикмат билан суғорилган чуқур маъноли шеърларини куйга солиш, халқ ичида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида қатта ишларни амалга оширдиларки, сира иккиланмай Ўзбекистонда ҳам махтумкулишунослик мактаби вуҷудга келди, деб айтиш мумкин.

Махтумкули шеърларидаги “Эй яранлар, бир базарсыз шехерден, Ондан ки бир гувлап ятан чөл яғши”, ёхуд “Урса, сөксө, хөрласа-да ил яғши”, “Ясхана еринде гулмек ярашмаз”, “Тоюң мейлисинде гулен яғшидыр” ёки “Хич азар бермегил бир мусулмана, Оғры Ёрден бир доғры ит яғши” каби теран маъноли ҳикматлари шоирнинг тафаккур салоҳияти қанчалик бақувват ва кенг, фалсафий қарашлари ҳаётини эканлигини кўрсатади. Бундай ибратли мушоҳадалар, қайси халқ шеърятини бўлмасин, ўнлаб, юзлаб асар (ижро, куй, қўшиқ...)ларнинг яратилишида маънавий таянч вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

SUMMARY